

Май ойининг мавзуси: “Асбоблар ва анжомлар”

Гуруҳ		Кичик гуруҳ						
Мавзу		Идишлар						
Муддати		Май ойининг 3-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлари		Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши		Соғлом турмуш тарзини шакллантириш				
		Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш		Турли идишларга бўлган қизиқишларни орттириш ва бажарилган ишлардан завқланиш				
		Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари		Нутқ малакаларини ривожлантириш, боғланишли нутқда сўзлашишга ўргатиш.				
		Билиш жараёнининг ривожланиши		Қизиқишларни орттириш, теварак–атрофга боғлиқликни ҳис қилиш, идишлар хусусиятларини ўрганиш				
		Ижодий ривожланиш		Идишларни безатишда декоратив нақшлардан фойдалана олиш				
Ривожланиш марказлари			Таълимий-тарбиявий фаолият					
			Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика		Идишлар учун шкаф ясаш					Катта-кичик рангли кубиклар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналантириш					Меҳмон кутамиз		Дастурхон, стол ва идишлар тўплами
	Тил ва нутқ			Уч айиқ учун идишчалар				Айиқчалар учун катта, ўрта, кичик идишлар тўплами
	Фан ва табиат					Буюмлар нимадан ясалади? ёғоч, елим, чинни идишларни солиштириш		Ёғоч, елим, чинни идишлар
	Санъат		Расм: Ликопчани чизиш	Лой: Қўғирчоқ учун идиш-товоқлар	Расм: Идишлар (ихтиёрий)	Аппликация: Чойнак		Оқ қоғоз, рангли қалам, рангли қоғозлар, бўёқлар, мўй қалам, елим ва пластилин
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

Май ойининг 3-ҳафтаси
Ҳафта мавзуси: “Идишлар”

Қуриш-ясаш ва математика маркази:

“Идишлар учун шкаф ясаш”

Мақсад: тарбияланувчилар кубиклар, ғиштчаларни танлай оладилар, уларни ўз ўрнига қўйиб шкаф ясашга ўрганадилар, бажарган ишидан завқланадилар ва у ҳақда сўзлаб бера оладилар.

Жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари, леғолар, конструкторлар, шкаф расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шкаф расмини кўриш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Мустақил фаолият.
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: ўйинчоқ идишлар бериб шкафга жойлаштиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: идишларни тартибли, озода сақлаш кераклиги ҳақида тушунча бериш.

Санъат маркази:

Расм: Ликопча

Мақсад: тарбияланувчилар қаламлар ёрдамида катта-кичик доира шакллари чизадилар, расм чизишга қизиқишини орттирадилар, ликопчага нималар солиш мумкинлигини билади .

Жиҳоз ва материаллар: рангли қаламлар, оқ қоғоз, ликопча.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ликопчани кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Чизиш кетма-кетлиги билан танишиш.
4. Иш жараёни.
5. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: чизган расмларидан кўргазма ташкил этишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: озода ва тартибли ишлашга ўргатиш.

Тил ва нутқ маркази:

“Уч айиқ” эртагини саҳналаштириш.

Мақсад: тарбияланувчилар айиқ ролига кира оладилар, эртак мазмунини тушунадилар, нутқ бойлигини орттирадилар, ўйин давомида ўзига мос идиш–товоқларни танлай оладилар.

Жиҳоз ва материаллар: айиқнинг бош кийимлари, стол-стул: катта, ўрта, кичик ҳажмдаги идишлар, “Уч айиқ” расмли эртак китобчаси, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Уч айиқ” расмли эртак китобчасини кўриш.
2. Керакли жиҳозлар билан танишиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин жараёни.
5. Ролларни алмашиш, ўйинни давом эттириш.
6. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: АКТ орқали “Уч айиқ” мултифилмининг томоша қилишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: идишлар ҳақида тушунчаларини кенгайтириш.

Санъат маркази:

Лой: Қўғирчоқ учун идишлар (ихтиёрий)

Мақсад: тарбияланувчилар билган яшаш усуллари, кўникмаларидан фойдаланиб бир бўлак лойдан таниш бўлган идишларни ясайдилар.

Жиҳоз ва материаллар: лой ёки пластилин, тахтача, салфетка, ўйинчоқ идишлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчоқ идишларни кузатиш.
2. 2-3 хил намуна билан танишиш (ликопча, пиёла, лаган)
3. Болаларнинг иш фаолияти.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ясаган идишларини ўйинчоқларига беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: идиш-товоқлар ҳақида тушунчаларини кенгайтириш.

Санъат маркази:

Расм: Идишлар (ихтиёрий)

Мақсад: тарбияланувчилар хоҳишига кўра турли тасвирлар расминини чизадилар, рангларни фарқлайдилар, мўйқалам билан ишлай оладилар.

Жиҳоз ва материаллар: рангли бўёқ, оқ қоғоз, салфетка, ўйинчок идиш-товоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйинчок идишларни кузатиш.
2. 2-3 хил намуна билан танишиш.
3. Болаларнинг иш жараёни
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: чизган расмларидан кўргазма ташкил қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил ижод қилишга ўргатиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази:

“Меҳмон кутамиз” таълимий ўйини

Мақсад: тарбияланувчилар жамоа бўлиб ўйнай оладилар, эстетик малака ва кўникма элементларини шакллантирадилар, алоқа маданиятини ривожлантирадилар, идишлардан фойдаланиш ҳақида билимларини оширадилар.

Жиҳоз ва материаллар: дастурхон, стол ва идишлар тўплами, безатилган дастурхонлар сурати, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Безатилган дастурхонлар суратини кузатиш.
2. Идишларни кўриб чиқиш.
3. Вазифаларни тақсимлаш.
4. Ўйин жараёни.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: кўғирчоқ, айиқча, қуёнча ва бошқа ўйинчоқлар-меҳмонларни дастурхонга

ўтказишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда меҳмондўстлик хислатларини шакллантириш.

Фан ва табиат маркази:

Буюмлар нимадан ясалади? (ёғоч, елим, чинни идишларни солиштириш)

Мақсад: тарбияланувчилар буюмларни нимадан ясалганини билиб оладилар, материалларнинг хусусиятларини ўрганадилар ва бир-биридан фарқлай оладилар.

Жиҳоз ва материаллар: ёғоч, елим, чинни идишлар, карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ёғоч, елим ва чинни идишлар билан танишиш.

2. Идишларни ясалган материалга қараб ажратиш.
3. Карточкалардаги идишларни турига қараб ажратиш.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: мавзуга мос мультфильм кўришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: буюмларнинг нимадан ясалгани ҳақида тушунчаларини мустаҳкамлаш.

Санъат маркази:

Аппликация : Чойнак

Мақсад: тарбияланувчилар чойнак қисмларини тўғри жойлаштириб елимлай оладилар, рангларни фарқлайдилар, майда қўл моторикасини ривожлантирадилар.

Жиҳоз ва материаллар: қирқилган чойнак қисмлари (асос, қопқоқ, тумшук, банди), елим, оқ қоғоз, чойнак.

Фаолиятнинг бориши:

1. Чойнакни кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Елимлаш кетма-кетлиги билан танишиш.
4. Болаларнинг иш жараёни
5. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: бажарган ишларидан кўргазма ташкил қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳат: бажарган ишларидан завқ олишга ўргатиш, идишлар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.